

## **ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ ХУСУСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР**

*Сагатова Зиёда Бахтияровна*

*Тошкент тиббиёт педиатрия институти “Ижтимоий фанлар,  
педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси*

*Аннотация. Мақолада Туркий давлатлар ташкилотининг ташкил топиши, унинг дастлабки номланиши, унга аъзо бўлган илк давлатлар, шу давргача ўтказилган саммит ва конференциялар, ташкилотнинг байроғи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бу ташкилотга аъзо бўлиши хусусидаги маълумотлар кўриб чиқилган.*

*Таянч сўзлар: Нахичеван битими, Туркий кенгаши, Туркий давлатлар ташкилоти, Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий давлатлар парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос фонди, Туркий савдо-саноат палатаси, Туркий давлатлар ташкилотининг Венгриядаги ваколатхонаси, туркий цивилизация, Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси (TURKPA), Халқаро Туркий маданият ташкилоти (TURKSOY), Туркий тиллар маданияти ва мероси жамғармаси, Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси, Туркий шибилармонлар кенгаши.*

## **РАЗМЫШЛЕНИЯ ОБ ИСТОРИИ СОЗДАНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ ТУРЕЦКИХ ГОСУДАРСТВ**

*Сагатова Зиёда Бахтияровна*

*Преподаватель кафедры «Общественных наук, педагогики и психологии»  
Ташкентского медицинского педиатрического института*

*Аннотация. В статье рассматриваются сведения о создании Организации тюркских государств, ее первоначальное название, первые страны, вошедшие в его состав, проведенные до этого времени саммиты и конференции, флаг организации, членство Республики Узбекистан в этой организации.*

*Ключевые слова: Нахичеванское соглашение, Тюркский совет, Организация тюркских государств, Организация международной турецкой культуры, турецкая Парламентская ассамблея государств, Международная турецкая академия, Турецкий фонд культуры и наследия, Турецкая торгово-промышленная палата, Венгерское представительство, Турецкая цивилизация, Парламентская ассамблея тюркоязычных государств (ТЮРКПА), Международная турецкая культурная организация (ТЮРКСОЙ), Международная турецкая академия, Фонд культуры и наследия тюркских языков, Парламентская ассамблея тюркоязычных стран, Совет предпринимателей Турции.*

## **CONSIDERATIONS ON THE HISTORY OF THE CREATION OF THE ORGANIZATION OF TURKISH STATES**

*Sagatova Ziyoda Bakhtiyarovna*

*Teacher of the Department of «Social Sciences, Pedagogy and Psychology» of  
the Tashkent Medical Pediatric Institut*

*Annotation. The article discusses information about the creation of the Organization of Turkic States, its original name, the first countries that joined it, the summits and conferences held so far, the flag of the organization, the membership of the Republic of Uzbekistan in this organization.*

*Keywords: Nakhichevan agreement, Turkic Council, Organization of Turkic States, International Turkish Culture Organization, Turkish Parliamentary Assembly of States, International Turkish Academy, Turkish Culture and Heritage Foundation,*

*Turkish Chamber of Commerce and Industry, Hungarian Office of the Organization of Turkic States, Turkish Civilization, Parliamentary Assembly of Turkic Speaking States (TURKPA), International Turkish Cultural Organization (TURKSOY), Turkic Languages Culture and Heritage Foundation, Parliamentary Assembly of Turkic Speaking Countries, Turkish Business Council.*

Кириш. Маълумки, қадимги даврлардан бошлаб туркий замин кўп йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи, жаҳон цивилизацияларини бир-бирларига яқинлаштирувчи ҳамда дунё мамлакатлари маданий алоқаларини ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллаб келган. Дарҳақиқат, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улуғ аждодларимиз томонидан биргаликда яратилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз”. Зеро, мамлакатимизнинг шундай бебаҳо меросини сақлаб қолиш, уни изчилликда ўрганиш ҳамда келгуси авлодга етказиб бериш ҳаммамиз учун энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Асосий қисм. Бугунги кунда аксарият минтақавий ташкилотлар миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг энг самарали платформасини яратишга интилоқда. Худди шундай платформалардан бири Туркий давлатлар ташкилоти ҳисобланади.

Мазкур ташкилотнинг умумий фаолияти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда учта катта ўзгариш содир бўлганлигини кўрсак бўлади. 1992 йили Туркий тилли мамлакатлар саммити чақирилиб, бу Туркий тилли мамлакатлар ўртасидаги интеграция учун биринчи қадам бўлди. 1992 йилдан 2009 йилгача тўққизта саммит ўтказилган бўлиб, сўнгги саммит натижасида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини, яъни Туркий кенгаш тузиш тўғрисида Нахичеван битими имзоланди. Ушбу кенгаш Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган эди. Ташкилот бош қароргоҳи Туркиянинг Истанбул шаҳрида жойлашган.

Истанбулдаги Демократия ва Озодлик оролида 2021 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган саккизинчи саммитда Туркий кенгаш номи Туркий давлатлар ташкилотига ўзгартирилди.

Туркий давлатлар ташкилоти ўз байроғига эга бўлиб, унда тўртта таъсисчи давлат байроғидаги рамзлар уйғунлашган. Хусусан, байроқдаги кўк ранг Қозоғистон ва умуман тарихдаги кўпгина туркий давлатлар байроғида мавжуд, шунингдек, Қирғизистон байроғидаги қуёш, Озарбайжон байроғидаги юлдуз ва Туркия байроғидаги ярим ой ташкилот байроғи рамзидан ўрин эгаллаган.

Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилоти 5 та тўлақонли аъзо ҳамда 2 та кузатувчи мақомидаги давлатлардан иборат. Жумладан, юқорида таъкидланган 4та таъсисчи давлатдан ташқари Ўзбекистон ҳам 2018 йил 30 апрелда Қирғизистонда ўтадиган саммитдан бошлаб кузатувчи мақомида иштирок этишини эълон қилган. 2018 йил 3 сентябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёев илк бор Қирғизистоннинг Чўлпон-Ота шаҳридаги саммитда нутқ сўзлаган. 2019 йил 12 сентябрдан бошлаб мамлакатимиз ташкилотнинг тўлақонли аъзоси сифатида қабул қилинди. Шунингдек, Венгрия 2018 йилдан, Туркменистон эса 2021 йилдан бошлаб кузатувчи мақомини олган.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларда тахминан 160 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилиб, бу дунё аҳолисининг 2 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Ушбу мамлакатлар ҳиссасига сотиб олиш қобиляти паритети билан ҳисобланган дунё ялпи ички маҳсулотининг 3 фоиздан ортиғига тўғри келади.

Туркий давлатлар ташкилотининг ўзига хослиги ушбу ташкилотнинг ҳамкорлик учун кўп қиррали йўналишлари мавжудлигида ифодаланади. Хусусан, Нахичеван битимининг 2-моддасига биноан тинчлик ва хавфсизликни

мустақамлаш ва қўллаб-қувватлаш масалалари, шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, маданий, илмий-техник, ҳарбий-техник, таълим, энергетика, транспорт, кредит соҳаларида самарали минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалари ташкилотнинг муҳим мақсад ва вазифалари орасидан ўрин олган. Ўз навбатида, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик савдо ва инвестиция учун қулай шарт-шароитлар яратиш, божхона ва транзит тартибини янада соддалаштириш, шунингдек, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, туркий халқларнинг буюк маданий ва тарихий меросини омалаштиришга қаратилгандир.

Ушбу мақсадларга эришиш учун Туркий давлатлар ташкилоти қошида 6 та тузилма яъни, Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий давлатлар парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос фонди, Туркий савдо-саноат палатаси, Туркий давлатлар ташкилотининг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилий тузилма Туркий давлатлар ташкилотининг олдига қўйилган вазифаларни самарали амалга оширишга қаратилган.

Ташкилотга аъзо бўлиш шартлари сирасига мамлакат аҳолисининг туркий тилда сўзлашиши ёки туркий тиллардан бирига давлат тили мақоми берилгани, шунингдек, давлат ўзини туркий ўзликка ёхуд туркий цивилизация билан яқинликка эга деб ҳисоблаши ва бу бошқа давлатлар томонидан ҳам эътироф этилиши кабилар киради.

Хулоса. Туркий давлатлар ташкилоти бошқа халқаро тузилмалар билан ҳам алоқаларни олиб боради. Хусусан, ташкилот Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мақомига эга. Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ислом ҳамкорлик ташкилотида ҳам ушбу мақомни олиш учун ариза берган.

Ташкилотнинг асосий органларига Давлат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Оқсоқоллар кенгаши, Олий мансабдор шахслар кўмитаси ва Котибият киради. Ташкилот фаолияти Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси (TURKPA), Халқаро Туркий маданият ташкилоти (TURKSOY), Халқаро туркий академия, Туркий тиллар маданияти ва мероси жамғармаси, Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси, Туркий ишбилармонлар кенгаши, Туркий университетлар иттифоқи ва Туркий савдо-саноат палатаси каби тегишли бўлинма ва ташкилотлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланади.

#### Адабиётлар

Ш.М.Мирзиёев, “Янги Ўзбекистон стратегияси”, Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2021.

“Ўзаро ҳурмат, очиклик ва хайрихоҳликка асосланган ҳамкорлик”//Халқ сўзи. 2017 йил 24 октябрь.

“Қардош халқлар фаровонлиги йўлидаги учрашув”//Халқ сўзи.2018 йил 28 апрель.

З.Б.Сагатова, Н.Х.Муратова, “Республикамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ва аҳамияти”, Педиатрия журнали 4-сон, 2021 йил, 19-21бетлар.

З.Б.Сагатова, Н.Х.Муратова, ”2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” доирасида амалга оширилган ислохотлар ҳақида мулоҳазалар”, Педиатрия журнали 1-сон, 2022 йил, 205-207 бетлар.

<https://bugun.uz/2022/11/10/tdt-tashkilot-tarixi-maqsad-va-vazifalari-hamda-undagi-ozbekistonning-orni/>

<http://hudud24.uz/turkiy-davlatlar-tashkiloti-hamkorlikning-asosiy-yonalishlari-kanday/>